

**“ЮВЕНАЛ ЮСТИЦИЯ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА
ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ”**

ЎҚУВ АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2021

Юристар малакасини ошириш маркази Ўқув ва илмий-услубий Кенгашининг 2021 йил 17 мартдаги мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган (4-сонли баённома).

Ганибаева Ш.К. “Ювенал юстиция: Халқаро стандартлар ва Ўзбекистонда қўллаш масалалари”. Ўқув амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристар малакасини ошириш маркази 2022. – 38 б.

Муаллиф: Ганибаева Шахноза Каримбердиевна, Юристар малакасини ошириш маркази Оммавий-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти в.б, юридик фанлар номзоди

Такризчи: Воҳидов Маҳкам, Юристар малакасини ошириш маркази “Касбий кўникмаларни ривожлантириш” кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди

Ўқув амалий қўлланма “Адвокатларнинг малакасини ошириш” ўқув дастури асосида тайёрланган: мазкур ўқув машғулоти орқали “Ювенал юстиция” ва “Бола ҳуқуқлари” тушунчаси, “Ювенал юстиция” ва “Бола ҳуқуқлари” тушунчаси, ювенал юстиция ва бола ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий нормалар, ювенал юстицияда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий ва халқаро стандартлари ва механизмларига оид долзарб масалалар таҳлил қилинган.

© Ш.Ганибаева, 2022 йил,
© Юристар малакасини ошириш маркази, 2022 йил

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	4
“ЮВЕНАЛ ЮСТИЦИЯ” ВА “БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ” ТУШУНЧАСИ	6
БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИ.....	10
ЮВЕНАЛ ЮСТИЦИЯ ВА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР	16
ЮВЕНАЛ ЮСТИЦИЯДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ	24
ЮВЕНАЛ ЮСТИЦИЯ БЎЙИЧА ҚИСҚАЧА ЛУҒАТ ГЛОССАРИЙ ...	31
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР ВА АДАБИЁТЛАР	113

КИРИШ

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бола ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон 1992 йил 9 декабрда БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясига аъзо бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64 ва 65-моддаларига бола ҳуқуқларига бағишланган бўлиб, хусусан уларда “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради. Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”, - деб таъкидланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларида жумладан, 1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, 2008 йил 7 январда имзоланган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур Қонунда илк маротаба болалар, етим бола, ижтимоий ҳимояга мухтож бола, ногирон бола каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилди. Унда бола ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича давлат сиёсати асослари, давлат органлари ҳамда жамоат бирлашмалари ваколатлари мустақкамлаб кўйилди. Қолаверса, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йилда бола ҳуқуқларига оид қуйидаги халқаро ҳужжатларни ратификация қилинди:

1. ХМТнинг ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияси (2008 йил 4 апрелда);
2. ХМТнинг Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенцияси (2008 йил 8 апрелда);
3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протокол (2008 йил 8 июлда);
4. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протокол (2008 йил 11 декабрда);

5. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протокол (2008 йил 12 декабрда).

Бола ҳуқуқларига оид қонунчилик доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда. Сўнги йилларда бола ҳуқуқларига оид бир қатор янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди, мавжуд норматив ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўқув машғулотининг мақсади: тингловчида “Ювенал юстиция” ва “Бола ҳуқуқлари” тушунчаси, “Ювенал юстиция” ва “Бола ҳуқуқлари” тушунчаси, ювенал юстиция ва бола ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий нормалар, ювенал юстицияда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий ва халқаро стандартлари ва механизмларига оид долзарб масалаларини билишни кўзда тутди.

Ўқув машғулотининг вазифалари: тингловчиларда “Ювенал юстиция” ва “Бола ҳуқуқлари” тушунчаси, “Ювенал юстиция” ва “Бола ҳуқуқлари” тушунчаси, ювенал юстиция ва бола ҳуқуқлари бўйича халқаро-ҳуқуқий нормалар, ювенал юстицияда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий ва халқаро стандартлари ва механизмларига оид долзарб масалалар ҳақида кўникмаларга эга бўлишни назарда тутди.

“ЮВЕНАЛ ЮСТИЦИЯ” ВА “БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ” ТУШУНЧАСИ

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 1-моддасида қайд этилганидек «18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон зоти, агар болаларга нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича у эртароқ балоғатга етган деб топилмаса, бола ҳисобланади».

Болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдамига айниқса оила меҳри ва ғамхўрлигига, уларнинг жамиятдаги мустақил ҳаётга тўла тайёрланиши, ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилган ҳолда, тинчлик, тенглик ва бирдамлик руҳида тарбияланиши билан узвий боғлиқ.

Болалар учун назарда тутилган барча ҳуқуқлар истисно ва камчиликларсиз, ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа хили, миллий-этниқ ёки ижтимоий келиб чиқиши жихатидан соғлиғи ва туғилиши, ота-онаси қонуний васийси ёки бошқа бирон-бир ҳолатлардан қатъи назар, ҳурмат қилиниши ва таъминланиши керак.

Бола ҳуқуқларини таъминлаб бериш, болаларни ҳар томонлама етук қилиш инсон этиб тарбиялаш масалаларига мустақилликдан кейинги йилларда айниқса катта эътибор берилмоқда. Бола ҳуқуқларини таъминлашда 2008 йил йил “Ёшлар йили”, 2010 йил “Барқамол авлод йили”, 2012 йил “Мустаҳкам оила йили”, 2014 “Соғлом бола йили” ва 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб қилинганлиги, шу асосда махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги боиси ҳам шунда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият деб эълон қилинган бугунги кунда ҳам таассуфки, бу ҳуқуқлар ва эркинликларни, шу жумладан болалар ҳуқуқларини бузиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Дунёнинг турли минтақалари ва алоҳида давлатларда бундай ҳолатлар қўпол ва тизимли хусусият касб этмоқда. Бунга ушбу минтақа ва давлатлардаги қуролли можаролар, очлик, жиноятчилик каби сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар сабаб бўлмоқда. Шу туфайли ҳам инсон ҳуқуқлари масаласи, ХХI асрга келиб жаҳоннинг долзарб муаммосига айланиб улгурди ва халқаро ҳамжамиятни, жаҳондаги барча давлатларни бундай муаммога қарши биргаликда кураш олиб боришга ундамоқда. Бу кураш инсон ҳуқуқларининг, шу жумладан болалар ҳуқуқларининг бузилишига қарши ва бузилган ҳуқуқларни тиклашга оид халқаро ҳуқуқий нормалар ва механизмларни шакллантириш орқали амалга оширилади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бугунга қадар кунда шаклланиб бўлган халқаро ва миллий механизмлари шу нуқтаи назардан ҳам янада такомиллашиб бормоқда. Ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ҳам ҳозирги кунда янада ихтисослашиб бормоқда. Бундай ихтисослашув алоҳида халқаро ҳуқуқий ҳимояга муҳтож субъектларнинг ўзига хос ҳимоя тизими шаклланиб бораётганлиги билан изоҳланади. Жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасида “Аёллар ҳуқуқлари”, “Ногиронлар ҳуқуқлари”, “Маҳкумлар ҳуқуқлари”, “Беморлар ҳуқуқлари”

каби алоҳида категориядаги шахслар ҳуқуқлари шаклланмоқда. Бундай алоҳида категориядаги ҳуқуқли индивидлар, жисмоний ва ижтимоий аҳволларидан келиб чиқиб алоҳида эътибор талаб этишлари туфайли жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида камол топиш, ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қила олиш, жамиятнинг имтиёз ва имкониятларидан тенг даражада фойдалана олиш учун барча инсонларга тегишли бўлган ҳуқуқлар билан бир қаторда, алоҳида ҳуқуқлар, имтиёзлар ҳамда кафолатлардан фойдаланишади. Бундай ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кафолатлар давлат томонидан, шунингдек халқаро ҳамжамият томонидан тақдим этилади.

Шу нуқтаи назардан ҳам жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолоти охирига етмаган, туғилгунга қадар ҳам, туғилганидан кейин ҳам махсус равишда муҳофаза ва ғамхўрликка муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларга тақдим этилаётган алоҳида ҳуқуқлар, имтиёзлар ва одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятларни, айтайлик, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидагилар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай хис қилиш, етакчилик хусусиятига эга бўлиш-бўлмалиги, дунёқараши аввало унинг туғма табиати, қолаверса оилада оладиган тарбияси кафолатларни камраб олувчи халқаро ҳамда миллий ҳуқуқий асослар ва механизмлардан иборат “Бола ҳуқуқлари” деган инсон ҳуқуқларининг алоҳида соҳаси шаклланди. Бола ҳуқуқлари ўзининг алоҳида халқаро ва миллий меъёрий базаси ва ҳимоя механизмлари билан ҳам бошқа айрим категориядаги инсон ҳуқуқларидан фарқ қилади.

Маълумки, ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этиб қўйилганидек, ҳар бир бола туғилган заҳоти рўйхатга олинади ва туғилганидан бошлаб қўйилган исм билан аталиш ва у исм билан яшаш, фуқароликка эга бўлиш, шунингдек имкон қадар ўз ота-онасини билиш ва улар ғамхўрликларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларига эга.

Бола шунингдек ўзининг фикрини эркин ифодалаш, виждон ва дин эркинлиги, билим олиш, дам олиш ҳуқуқига эга, ота-онаси турли давлатларда яшаётган бола, алоҳида ҳолатлардан ташқари, отаси ва онаси билан мунтазам равишда шахсий муносабатлар ва тўғридан-тўғри алоқалар боғлаб туриш ҳуқуқига ҳақли ҳисобланади.

Ҳозирги замоннинг долзарб муомалаларидан бири бола ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳар томонлама таъминланиши ва ҳимояланишини амалда қонунлар асосида рўёбга чиқарилишига эришишдир.

Юқорида айтилганларнинг барчаси амалда бажарилиши учун ижтимоий масалалар билан шуғулланувчи давлат идоралари ва нодавлат муассасалари, судлар, маъмурий ёки қонун чиқарувчи органлар болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари яхшироқ таъминланишига эътибор берилиши лозим.

Ювенал адлия тушунчаси

Ювенал адлия (Juvenile Justice) – болалар ҳуқуқбузарлиги, содир этганлиги учун болаларни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин жиноят турлари ва судлар ҳуқуқбузар болалар учун мўлжалланган муассасалар томонидан болаларга қилинадиган муомала усуллари ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш йўллари каби мавзулар қамраб олинадиган кенг тушунчадир.

Ювенал адлия масалаларига ҳар қандай ёндашув замирида қуйидаги принциплар ётади:

- айбсизлик презумпцияси;
- вояга етмаган шахс қўлга олинган захоти ота-онаси ёки васийни ҳозир бўлиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида ота-она зудлик билан хабардор қилиш;
- суд процесси бошланмасдан аввал уларни имкони бўлса, ҳибсга ушлаб турмаслик, судгача ҳибсда ушлаб туриш энг қисқа муддатлардагина амалга оширилишини таъминлаш;
- инсон соғлиги таъминланиши, кадр-қиммати хурматланиши талабларига жавоб берадиган муассасалар барпо этилиши, ҳам даволаш, ҳам касалликларнинг олдини олишга мўлжалланган, талаб даражаси етарли тиббий хизмат кўрсатилиши;
- вояга етмаган шахснинг жисмоний ва руҳий соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган жисмоний жазо усулларининг қаттиқ, шафқатсиз, ғайриинсоний ва кадр-қимматни оёқости қиладиган барча тарбиявий усулларнинг тақиқланиши;
- яқинлари билан учрашиш, шахсий дахлсизлик, ташқи дунё билан алоқа ва кундалик юмушларни бажариш учун етарлича вақтга эга бўлиш ҳуқуқлари, одил ва инсоний муомалага бўлган ҳуқуқлар;
- озодликдан маҳрум қилиш муассасасидан ташқарида малакали ўқитувчилар томонидан бериладиган таълим болаларнинг эҳтиёжларига мос бўлиши ва уларни жамиятга қайтишга тайёрлаши;
- болаларнинг катта ёшдаги маҳбуслардан алоҳида сақланишини таъминлаш, боланинг оила аъзолари бундан мустасно.

Ювенал адлия мақсадлари даражасидаги ёндашув биринчи навбатда, болаларнинг қонун талабидан четга чиқиш ёки унга зид боришининг олдини олишга қаратилган чора-тадбир тақозо этади. Бу ҳукуматдан то жамоалар ва оилаларгача барча даражаларда амал қилиниши лозим бўлган мажбуриятдир.

Жаҳон парламентларининг ташкилоти ҳисобланмиш Парламентлараро Иттифоқ турли мамлакатлар парламентларига ювенал адлияга алоқадор қонун ҳужжатларини такомиллаштириш таклифларини илгари сурган бўлиб, уларда хусусан қуйидагилар таъминланиши мақсадга мувофиқлиги айтилган:

- балоғатга етмаган болаларнинг жиноят сифатида баҳоланмайдиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун уларга жиноятчидек муомала қилинмаслиги;

➤ жиноят содир этишда айбланаётган балоғатга етмаган болалар Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция суд жараёнига тааллуқли 40-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган барча кафолатлардан фойдалана олишга қодир бўлиши;

➤ жиноят содир этишда айбланаётган балоғатга етмаган болаларнинг ҳуқуқий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари;

➤ ишни кўриб чиқишнинг барча босқичларида махфийликнинг ҳуқуқий тан олинishi.

Ювенал адлияга дахлдор қонун ҳужжатлари, лозим топилганда, БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг қуйидаги таклифларига мувофиқлаштириш мақсадида қайта кўриб чиқилиши зарур:

➤ балоғатга етмаган болаларни жиноий жавобгарликка тортишда минимал ёш 15 ёш деб ёхуд имкон қадар шу ёшга яқинроқ қилиб белгиланиши лозим;

➤ жиноий жавобгарликка тортишнинг муқобил шакллари тан олинishi ва жавобгарликка тортишга дахлдор тегишли стандартлар қонунчиликка киритилиши лозим;

➤ жиноят содир этишда айбланаётган 18 ёшга тўлмаган барча шахсларга балоғатга етмаганлардек муомала қилиш зарур.

Балоғатга етмаган болаларнинг ушлаб турилишига тааллуқли қонун ҳужжатлари қуйидагиларни таъмин этиш мақсадида қайта кўриб чиқилиши шарт:

➤ миллий қонунчиликнинг тегишли қоидаларига “охирги зарурат” принцип инкорпорация қилиниши;

➤ ота-она ёки васийни хабардор қилиш мажбуриятининг тан олинishi;

➤ балоғатга етмаган шахслар, агар уларнинг қонуний манфаатлари йўсинида энг яхши амалга оширилиши таъмин этилса, катта ёшдагилар билан бирга сақланишига йўл қўйиш ёхуд, аксинча, уларнинг манфаатлари йўсинида энг яхши таъмин этилишидан уларнинг катта ёшдагилар билан биргаликда сақланишини тақиқлаш.

Жиноят содир этишда айбланган ўсмирларни ҳукм қилишга доир қонун ҳужжатларида қуйидагилар таъминланиши учун иш қайта кўриб чиқилиши лозим:

➤ “охирги зарурат” ва “имкон қадар энг қисқа муддатларга” принципларининг ошқора тан олинishi;

➤ ўлим жазосининг қўлланилмаслиги ёхуд жисмоний жазолаш усулларида фойдаланилишига йўл қўйилмаслиги. Ювенал адлияга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида қуйироқ батафсил тўхталиб ўтилади.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ҚОНУН ХУЖЖАТЛАРИ

Истиқлол эгалари болалар ҳақида ҳар тарафлама ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, соғлом авлодни камол топдириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлаш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бола ҳуқуқларига оид миллий қонун ҳужжатлари ҳақида сўз борганда, даст аввал Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64 ва 65-моддаларига эътибор қаратиш лозим. Хусусан уларда “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради. Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади”, - деб белгилаб қўйилган.

Болаларнинг соғлом камол топиши учун, ёш болали аёлларнинг ҳуқуқлари таъминлаб берилади. Ҳомиладор аёлларни енгилроқ ишга кўчириш орқали эса аёлнинг ва кутилаётган гўдакнинг саломати таъминланади: Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра, ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга, иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш кунлари ишлатишга ва хизмат сафарларига юборишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, онасиз қолган болаларни тарбияловчи шахсларга имтиёзлар ва қафолатлар берилиши уларнинг соғлом бўлиб ўсиши, тарбияланиши ва яхши шароитда яшашининг қафолатидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунида аёллар меҳнат шароитидаги алоҳида имтиёз ва қафолатлар белгиланган “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунида оналикни рағбатлантириш, оналар ва болалар соғлиғини сақлаш қафолатлари, хусусан аёлларга ва янги туғилган чақалокларга тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш; болалар ва ўсмирлар соғлиғини мустаҳкамлаш ва сақлаш тўғрисидаги ғамхўрлик; бола боқишда фуқароларга давлат ёрдами; бола касал бўлиб қолганида оналарга бериладиган имтиёзлар (61-модда); ўсмирларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш таълимини ҳамда меҳнат шароитларини назорат қилиш (62-модда); ўсмирларни мажбурий равишда тиббий кўрикдан ўтказиш (63-модда) каби масалалар тажассум топди.

Бола ҳуқуқларига оид махсус қонунлардан 1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, 2007 йилда қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги қонунларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Айниқса, бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги қонун Ўзбекистон қўшилган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция нормаларининг миллий қонунчиликда тўлиқ мужассамлашуви ҳисобланади. Мазкур қонунда соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот ва бошқа соҳаларда бола ҳуқуқларининг кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу қонунда ижтимоий заиф ва алоҳида эҳтиёжманд болаларнинг ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бола ҳуқуқларининг тизимли асосида таъмин этилиши ҳам қонунчилик даражасида, ҳам институционал даражада амалга оширилмоқда. Тизимли ёндашув давлат органлари ва муассасалари ҳамда нодавлат ташкилотлари ва жамғармалар томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган миллий дастурларни қабул қилиш ва амалга оширишдан иборатдир. Бола ҳуқуқларини таъмин этиш борасида нодавлат ташкилотларининг фаоллашуви кузатилмоқда ва бундай ташкилотларининг сони ортиб бормоқда.

Бола ҳуқуқларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатлари - Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Ирқий камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ва Қийноққа солиш ва муомала ҳамда жазонинг шафқатсиз, ғайриинсоний ва қадр-қимматни камситувчи бошқа турларига қарши конвенцияга ҳам таянади.

Ўзбекистон парламенти 2008 йили бола ҳуқуқларига ҳам тааллуқли қуйидаги халқаро ҳужжатларни ратификация қилди:

1. ХМТнинг ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияси (2008 йил 4 апрелда);
2. ХМТнинг Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенцияси (2008 йил 8 апрелда);
3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протокол (2008 йил 8 июлда);
4. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протокол (2008 йил 11 декабрда);
5. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протокол (2008 йил 12 декабрда).
6. Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва эркинликлари тартибга солишига қаратилган 100дан ортиқ қонунлар қаторига 2008 йил 7 январдан “Бола

ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўшилди.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун

Ўзбекистоннинг ҳуқуқ тарихида бола ҳуқуқларига оид биринчи алоҳида қонун бўлди. Боланинг ҳуқуқий аҳволини белгилашга доир муносабатларни тартибга солишга, бола ҳуқуқларини ва эркинликларини юридик кафолатлашга қаратилган ушбу Қонунга биноан, бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалиётга татбиқ этилишини таъминлайдиган кафолатларни белгилаш қонун билан тартибга солинадиган асосий объект ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, қонун моддаларининг ярмидан кўпи бола ҳуқуқларининг кафолатларини белгилашга бағишланган. Чунончи, 2010 йилда 14 ёшгача бўлган 8 миллион 500 минг бола тиббий кўриқдан ўтказилган. Булар, ўз навбатида, кўплаб ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашни юқори даражага кўтариш, бололарнинг ирсий хасталиклар билан ва нуқсонли туғилишнинг хавфини камайтириш имконини бермоқда.

Шу мақсадда бир қатор янги қонунларни қабул қилиш, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган эди.

2010 йил 28 сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси тўғрисида”ги Қонун

Ушбу масалалар билан шуғулланувчи тизим органлари ва муассасаларини аниқ белгилаш, улар фаолиятининг асосий вазифалари, принциплари ва йўналишларини тартибга солишга қаратилган. Шунингдек, алоҳида эътибор талаб қилувчи вояга етмаганлар ва нотинч оилалар билан яқка тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш асослари ва тартиби, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ва вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш тартиби ва асослари, ижтимоий хавфли ҳолатдаги вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш масалаларини ҳал этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида” ги Қонунда эса ёшлар ўртасида жиноятчилик билан боғлиқ вазиятни яхшилаш, уларнинг ғайри ижтимоий ҳаракатларни олдини олишга қаратилган бўлиб, унда вояга етмаганларни тунги вақтда ота-оналаридан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ресторанларга, кафеларга, барларга, клубларга, дискотекаларга, кинотеатрларга, Интернет ва компьютер залларига, кўнгилочар тадбирлар ўтказиладиган бошқа жойларга киритганлик учун мансабдор шахсларга маъмурий жавобгарлик жорий этилиши кўзда тутилган.

Миллий қонунчиликнинг бу қирраси жилolari Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган 1989 йил 20 ноябрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 31-моддасидаги “иштирокчи-давлатлар боланинг дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш ҳуқуқини, ўзининг ёшига мос келадиган ўйинлар ва кўнгилочар тадбирларда иштирок этиш, маданий ҳаётда эркин қатнашиш, санъат билан шуғулланиш ҳуқуқини эътироф этадилар” деган нормага ҳамоҳангдир.

Умуман олганда, жаҳоннинг кўпгина давлатларида вояга етмаганларнинг тунги вақтда кўнгилочар тадбирларда иштироки масаласи қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган бўлиб, бу талабларни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга нисбатан жавобгарлик ҳам белгиланган. Жумладан, “Россия Федерациясида бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга 2009 йили тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, уларда тунги вақт (22.00дан 06.00гача) тушунчаси, давлат органлари, маҳаллий органлари ҳамда ота-оналарни болаларни соғлом ва маънавий етук тарбиялаш мажбуриятлари, шунингдек, 18 ёшга тўлмаган шахсларни тунги вақтда катталарнинг кузатувисиз жамоат жойларига, стадионларга, ресторанларга, кафеларга, барларга, Интернет ва компьютер залларига, кўнгилочар тадбирлар ўтказиладиган жойларга бориши, жамоат транспортида юриши учун чеклов ўрнатилиши ҳамда маъмурий жавобгарлик жорий этилиши кўзда тутилди. Германия “Ёшлар муҳофазаси тўғрисида”ги 2002 йил 23 июлдаги қонунида 18 ёшга тўлмаган болаларни тунги бар ва клубларда, кўнгилочар ёки қимор ўйналадиган залларда ва шунга ўхшаш жойларда бўлиши тақиқланган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида муҳим қадамлардан бири ҳисобланади. Зеро давлат раҳбари даражасида мана бундай деб эътироф этилиши мамлакатимизда бу борада олиб бориладиган ишлар кўламадан далолатдир: “Шуни ҳам тан олиш керакки, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик аввало, биз катталарнинг уларни тарбиялашда қўйган хатоларимиздир. Бинобарин, шунинг учун ҳам руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайтариш бизнинг вазифамиздир”.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Мазкур Низом вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш органлари ҳисобланади.

Комиссиялар:

- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;
- вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш мақсадида тузилиши белгилаб қўйилган.

Ушбу Низомнинг қабул қилиниши вояга етмаганлари ишлари билан шуғулланув тегишли давлат ва нодавлат ташкилотларининг самарали фаолият кўрсатиши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бола ҳуқуқларига оид Қонунчиликдаги сўнги янгиликлардан бири бу 2013 йил 30 апрелда имзоланган **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси **31¹-боб. “Фарзандликка олиш”** деб номланган янги боб билан тўлдирилди. Унга кўра, *мамлакатимизда болани фарзандликка олиш фақат суд тартибида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.*

Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида, **Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 2013 йил 11 декабрда 21-сонли қарорини қабул қилди.**

Фарзандликка олиш институти ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланишини назарда тутган ҳолда ушбу масалани ҳал қилиш ваколати судларга берилиши оила институтини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялашда оиланинг аҳамиятини кучайтириш ҳамда оилавий муносабатларда қонунийликни таъминлашда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Оила кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ва судлар томонидан мазкур тоифадаги ишларни кўришда келиб чиқаётган саволларни тушунтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мазкур қарорни қабул қилган.

Пленум Қарорига мувофиқ, Судларнинг эътибори фарзандликка олиш ҳақидаги аризаларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш бола манфаатлари ҳимоясининг муҳим кафолатларидан бири эканлигига қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг аризалари бўйича фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар фарзандликка олинаётган боланинг яшаш ёки турган жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судловига тааллуқли эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшаб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек қаерда доимий яшаётганликларидан қатъи назар, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фарзандликка олиш ҳақидаги аризалари фарзандликка олинаётган боланинг яшаш ёки турган жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ёки Тошкент шаҳар суди судловига тааллуқли эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Фарзандликка олувчиларнинг бири бошқа давлат фуқароси бўлганда ҳам фарзандликка олиш ҳақидаги ариза ушбу судларга тааллуқли эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Мазкур Қарорга мувофиқ, *фарзандликка олиш ҳақидаги аризалар алоҳида иш юритиш тартибидан кўриладиган ишлар жумласига киради* ва ариза мазмун жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ФПК 149-моддасида назарда тутилган талаблар билан биргаликда мазкур кодекс 285²-моддаси талабларига жавоб бериши ва давлат божи тўланганлиги ҳақида қвитанция, ФПК 285³-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилиниши лозим ва фарзандликка олувчилар (олувчи) томонидан имзоланиши белгилаб кўйилган.

Фарзандликка олишга фақатгина **боламанфаатидан келиб чиққан ҳолда йўл қўйилишини** инобатга олган ҳолда судлар, мазкур тоифадаги ишларни кўришда ҳар бир ҳолатда ариза қаноатлантирилиши бола манфаатларига қанчалик мос келишини текширишлари лозимлиги қайд этилган.

Шу сабабли, қарор қабул қилишда фарзандликка олувчи (олувчилар)нинг маънавий ва бошқа шахсий фазилатларини, унинг ва у билан бирга яшовчи шахсларнинг соғлиқларини, оилада шаклланган муносабатлар характерини ва аризани тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни ҳисобга олиш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қарор фарзандликка олиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш жараёнида юзага келган низоларни тўғри ҳал этиш борасида ягона суд амалиётини шакллантириш имконини бериши билан бир қаторда, оналарнинг болалар тарбияси учун жавобгарлигини ошириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда қонунийликни таъминлашга қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон миллий қонунчилик ҳамда халқаро ҳуқуқ талаблари асосида бола ҳуқуқлари ва манфаатлари борасида ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўлиқ бажариб келаяпти. Пировардида эса эртамик эгалари — болаларимиз ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етмоқдалар.

ЮВЕНАЛ ЮСТИЦИЯ ВА БОЛА ХУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО-ХУҚУҚИЙ НОРМАЛАР

Болалар бахт-саодати, уларнинг ҳуқуқлари ҳамisha халқаро ҳамжамиятнинг диққат эътиборида бўлиб келган. 1924 йилдаёқ Миллатлар лигаси томонидан Бола ҳуқуқлари Женева декларацияси қабул қилинган эди. Ўша даврда болалар ҳуқуқлари асосан кулликка, болалар меҳнати, болалар билан савдо қилиш ва вояга етмаганларнинг порнографиясига қарши чоралар кўриш билан чекланган.

Бугунги кунда болалар ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилиш халқаро универсал ҳужжатлар ва халқаро минтақавий ҳужжатлар воситасида таъмин этилмоқда. Қуйида уларга алоҳида-алоҳида тўхталамиз.

1) Бола ҳуқуқларига оид универсал нормалар

БМТнинг универсал стандартлари деб аталувчи умумий декларациялари ва конвенциялари, хусусан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт каби универсал ҳужжатларда баён этилган ҳуқуқлар барча инсонлар каби болаларга ҳам тааллуқлидир. Декларация ва пактларда бола ҳуқуқлари ва манфаатларига бевосита, жумладан, қоидалар болаларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципи, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш тўғрисидаги, болаларнинг эксплуатация қилинишига қарши курашиш тўғрисидаги қоидалари болаларнинг ҳуқуқлар ва эркинликка таълим олиш ҳуқуқи шакллантирилган. Декларация ва пактларда болаларнинг тенглиги принципини эълон қилган. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактда ҳар бир боланинг ирқи, танасининг ранги, жинси, тили, дини, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи ёки туғилишидан наслидан қатъи назар, ҳеч бир камситилишларсиз, балоғатга етмаган шахс сифатида оила, жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилинишга бўлган ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган (24-модданинг 1-банди).

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 10-моддасининг 3-бандида барча болалар ва ўсмирларга ҳеч бир камситишсиз, оилавий келиб чиқиши ёки бошқа белгиларидан қатъи назар, алоҳида ҳимоя чоралари ва ёрдам кўрсатилиши шартлиги таъкидланиб, болалар ва ўсмирлар иқтисодий ва ижтимоий эксплуатациядан ҳимояланган бўлиши, уларнинг меҳнатини ахлоқи ва саломатлиги учун зарарли бўлган ёхуд ҳаёт учун хавфли соҳаларда ёки уларнинг нормал ўсиши учун зарар келтириши мумкин бўлган соҳаларда қўллаш қонун билан жазоланиши, давлат томонидан ёш чегараси белгилаб қўйилиб, шу ёшга тўлмаган болаларнинг меҳнатидан фойдаланиш тақиқланиши ва жазоланиши кераклиги айтилган.

БМТ ихтисослашган ташкилотларининг ҳужжатлари, хусусан

ЮНЕСКО хужжатлардан: 1960 йилдаги Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция; *ХМТ хужжатларидан* 1973 йилда қабул қилинган ва 1976 йилда кучга кирган Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисидаги 138-сонли конвенция; 1999 йилда қабул қилинган ва 2000 йилда кучга кирган Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тақиқлаш ва уларни тугатиш бўйича тезлик билан чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги 182-сонли конвенция; Меҳнат соҳасидаги асосий принциплари ҳамда ҳуқуқлар ва уларни амалга ошириш механизми тўғрисидаги ХМТнинг 1998 йил 19 июндаги декларация ўз қамрови доирасида болалар ҳуқуқларини ҳимоя этиб келмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилотларининг 1946 йилда қабул қилинган 77- ва 78-сонли конвенциялари болалар ва ўсмирларнинг саноатда ва саноат билан боғлиқ бўлмаган корхоналарда ишлашга яроқли эканлигини аниқлаш учун уларни мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш назарда тутилган. Уларда белгиланишича, агар бола 18 ёшдан кичик бўлса ва соҳаларда ишлашига тиббий кўрик натижасида яроқсиз деб топилган бўлса, ишга қабул қилинмайди. 79- ва 90-сонли конвенциялар болалар ва ўсмирларнинг тунги меҳнатини ва саноатдаги саноат билан боғлиқ бўлмаган ишларини чеклашга қаратилган.

Бола ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ, алоҳида ижтимоий гуруҳлар (аёллар) ҳуқуқларини тартибга солувчи халқаро шартномаларида, масалан, уруш пайтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган 1949 йилги IV Женева конвенцияси ва Женева конвенцияларига 1977 йилдаги I-II Қўшимча протоколларда, шунингдек қуролли можаролар даврида болаларни ҳимоя қилишга қаратилган хужжатларда, болаларга ҳарбий ҳаракатлар оқибатларидан махсус ҳимояланишнинг қоидаларидан фойдаланиш имкониятлари кўзда тутилган. Фавқулодда ҳолатлар ва қуролли можаролар даврида аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1974 йилги декларацияда давлатларга болаларнинг алоҳида ҳимоя этилиши чораларини кўриш тавсия қилинади.

Муайян ҳуқуқий муносабатлар соҳасини (жиноят ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи) қамраб олувчи универсал хужжатлар, жумладан Халқаро фарзандликка олиш соҳасида болаларни ҳимоя қилишга оид 33-сонли Гаага конвенцияси БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протокол ўз йўналиши бўйича болалар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган, ювенал болалар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоясига қаратилган оид адлияга хужжатлар оз эмас улар орасида, жумладан. 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қоидалар (“Пекин қоидалари”); 1990 йил 1 декабрда қабул қилинган

Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принциплари (“Ар-Риёд дастурий принциплари”); 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган Озодликдан маҳрум этилган балоғатга етмаган болаларни ҳимоя қилишга доир қоидалар; 1990 йил 14 декабрда қабул қилинган Қамоқда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган чораларга доир минимал стандарт қоидалари (“Токио қоидалари”) мавжуд. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритишга доир минимал стандарт қўйидаги қоидаларида хусусан асосий мақсадлар кўзланган:

- иштирокчи-давлатлар, ўз умумий манфаатларига мувофиқ ҳолда, балоғатга етмаган ўғил ёки қиз бола ва унинг оиласи фаровонлигига кўмаклашиш учун интилиши зарур;

- аъзо-давлатлар ўсмирнинг жамиятда мазмунли ҳаёт кечиришини таъминлаш имконини берувчи тегишли шарт-шароит яратишга интилиши керак. Бундай сабъ-ҳаракатларни ҳаётининг айна шу даврида ножоиз хулққа кўпроқ мойиллиги бўлган ўғил ёки қиз боланинг имкон қадар жиноят ва ҳуқуқбузарликни содир этиш эҳтимолидан холи шахс сифатида камолга етиши ва таълим олиши билан боғлиқ жараёнда айниқса яхши наф беради;

- мавжуд барча захираларни, шу жумладан, оила, кўнгиллилар ва жамиятнинг бошқа гуруҳларини, шунингдек мактаблар ва шу каби бир қатор ижтимоий институтларни тўла жалб этган ҳолда ўсмирнинг фаровонлигига имкон қадар кўмаклашиш ва шу билан унинг ҳаётига қонун томонидан аралашув заруриятини камайтириш, қонун билан зиддиятга борган ўсмирга самарали, адолатли ва инсоний муомала қилинишини таъминлаш мақсадларини кўзда тутувчи мақбул чораларни қўллашга етарлича эътибор қаратиш лозим бўлади;

- балоғатга етмаган болаларга нисбатан судлов ҳаракатлари барча балоғатга етмаган болалар учун ҳар томонлама ижтимоий адолатни таъминлаш ва, айна чоғда, шу йўл билан ёшларни ҳимоялаш ҳамда жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаб туриш доирасида ҳар бир мамлакатда миллий тараққиёт жараёнининг узвий қисмига айланиши зарур;

- мазкур қоидалар ҳар бир аъзо-давлатнинг мавжуд иқтисодий, ижтимоий ва маданий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади;

- балоғатга етмаганларга нисбатан одил судлов ҳаракатлари билан шуғулланувчи хизматлар ходимларининг малакасини, шу жумладан уларнинг услуб, ишга ёндашув ва тажрибасини ошириш ҳамда тегишли даражада сақлаб туриш мақсадида ана шу хизматларни мунтазам равишда ривожлантириб ва мувофиқлаштириб бориш зарур.

Минимал стандарт қоидаларида қайд этилгандек, балоғатга етмаган болалар ҳуқуқларининг асосий процессуал кафолатлари, хусусан, айбсизлик презумпцияси, айб қўйилганлик ҳақида хабардор этилиш ҳуқуқи, гувоҳлик беришдан бош тортиш ҳуқуқи, адвокат олиш ҳуқуқи, ота-она ёки васийнинг ҳозир бўлиши ҳуқуқи, гувоҳлар билан юзлашиш ва уларнинг икки ёклама

терговиди бўлиш ҳуқуқи ва юқори инстанцияга апелляция бериш ҳуқуқи судлов ҳаракатларининг барча босқичларида таъмин этилиши лозим.

БМТнинг бошқа бир ҳужжати Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган дастурий принципларида асосий ҳамда дастурий принципларининг қўлланиш доираси, жиноятчиликнинг олдини олишнинг умумий йўналишлари, болалар ва ёшларни жамият ҳаётига тайёрлаш жараёнлари, ижтимоий сиёсат, қонунчилик ва балоғатга етмаган болаларга нисбатан одил судлов юритиш, тадқиқотлар, сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш тўғрисидаги қоидалар ўз ифодасини топган.

Вояга етмаганлар муаммоларининг айрим ҳолатларига таалукли, БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил 1 декабрдаги 45/112-сонли резолюция билан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат У “Ар-Риёд дастурий принциплари” номи билан ҳам машҳур бўлиб, хусусан қуйидаги қоидаларни ўз ичига олади:

1. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш жамиятда жиноятчиликнинг олдини олишнинг муҳим шартларидан биридир. Қонуний, ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этиб ва жамият ҳамда ҳаётга нисбатан инсонпарвар қарашларни ҳосил қилиш асносида ёшлар жиноий фаолиятга йўл қўймасликлари принциплари асосида тарбияланиши мумкин.

2. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш самарали бўлиши учун ўсмирларнинг комил инсон бўлиб етишишлари, уларнинг шахсига ҳурмат ва камолатига рағбатини қўллаб-қувватлаш йўлида бутун жамиятнинг саъй-ҳаракатлари зарур бўлади.

3. Мазкур дастурий принципларини шарҳлашда болалар эҳтиёжлар асос деб қаратилиши керак. Ёшлар жамиятда фаол ўрин тутиб, унинг тўлақонли иштирокчиси бўлишлари лозим. Уларга жамият ҳаётига тайёрлаши ёки назорат қилиш объекти сифатида қаралмаслиги лозим.

4. Ушбу дастурий принципларни миллий ҳуқуқий тизимларга мувофиқ равишда амалга оширишда шунга эътибор бериш керакки, жиноятчиликнинг олдини олишга йўналтирилган ҳар қандай дастур ёшларнинг болалиқдан бошлаб фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлиши талаб этилади.

5. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган изчил сиёсатни амалга ошириш муттасил таҳлил этиб бориш ҳамда ушбу йўналишда тегишли самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим ва зарур эканлигини эътироф этиш керак. Шу билан бирга болани ўзига ёки бошқаларга жиддий зиён етказмайдиган хатти-ҳаракати учун жазо беришда ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш, имкон қадар жазолашдан қочиш керак. Бунда хусусан қуйидагиларни назарда тутиши лозим:

- имкониятлар яратиб бериш, шу жумладан таълим олиш соҳасида имкониятлар яратиш, ёшларнинг турли эҳтиёжларини қаноатлантириш, ҳамда барча ёшларнинг айниқса, таҳдид остидаги ёки ижтимоий хавфли ҳолатга тушиб қолган ҳамда алоҳида эътибор ва ҳимояга муҳтож ёшларнинг шахсини камол топтиришни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

- вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган, жиноятчиликнинг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитлар олдини олишга йўналтирилган қонунларни, жараёнларни, муассасаларни, восита ва хизмат тизимларини қўллашга асосланган махсус назариялар ва энг аввалло ёндашувларни ишлаб чиқиш;

- расмий органларнинг биринчи навбатда вояга етмаганнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб, ижтимоий адолатга асосланган ва холис тарздаги аралашуви;

- барча ёшларнинг бахт-саодати, камолати, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

- ёшларнинг умумий ижтимоий меъёр ва қадриятларга мос келмайдиган хатти-ҳаракатлари, ҳуқ-атвори кўпинча вояга етиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, одатда, улар улғайиб, балоғатга қараб боргани сайин бу хатти-ҳаракат ва ҳуқ-атворлар ўзгариб боришини инобатга олиш;

- кўпчилик экспертларнинг фикрича, вояга етмаган шахсга “бузғунчи”, “ҳуқуқбузар” ёки “ёш жиноятчи” тамға қабилида босиш уларда номақбул хатти-ҳаракатларнинг ривож топишига туртки ва асос бўлади.

6. Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун, айниқса, ҳали ҳеч қандай муассасалар ташкил этилмаган ҳудудларда жамоавий хизматлар ва дастурларни ишлаб чиқиш лозим. Ижтимоий назоратни амалга оширувчи расмий муассасалар хизматидан сўнгги чора сифатидагина фойдаланилиши мумкин.

Бу туркум ҳужжатлар ювенал адлия соҳасидаги халқаро стандартларнинг асоси бўлиб хизмат қилади, бинобарин балоғатга етмаган бола тўғрисидаги, у содир этган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги, унинг жинойи ва бошқа хил юридик жавобгарлиги, давлатнинг бундай ҳуқуқбузарликка нисбатан жазолаш ёки шу каби мажбурий таъсир чораларини қўллаш кўринишидаги муносабати тўғрисидаги ва ниҳоят, ювенал адлия таъсир доирасига тушиб қолган балоғатга етмаган бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилиш концепциясининг асосий меъёрлари тўғрисидаги юридик доктринанинг асосий қоидаларини ташкил этади.

Бола ҳуқуқларини махсус тартибга солишга қаратилган декларациялар ва конвенциялар ҳақида сўз берганда, аввало 1924 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Женева декларацияси ва 1959 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация тилга олинади, сўнгра эса 1989 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳамда ушбу Конвенцияга доир 2002 йилги икки болаларнинг ҳужжат қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Қўшимча протокол ва Болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли факультатив протоколлар таъкидланади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бола ҳуқуқлари бўйича асосий ҳужжат ҳисобланади, уни бола ҳуқуқларининг ўзига хос тартибга солиниши деса ҳам бўлади. Конвенция 54 моддадан иборат бўлиб, уларни 4та категориядаги ҳуқуқларга бўлиш мумкин: Булар: а) *яшай олиш*) *ҳуқуқи*: бола

талабларини қондириш ва ҳаётий ҳуқуқларини ўзида мужассам этиш каби асосий шартларни ҳамда тиббий хизматдан фойдалана олиш, овқатланиш, бошпанага эга бўлиш каби адолатли меъёрларни ўз ичига олади; б) *ривожлана олиш*) ҳуқуқи: болалар ўз қобилиятларини теранроқ ва кенгроқ ривожлантиришга эришишлари учун зарур, фикрлаш, билим олиш, дам олиш ва бўш вақтини фойдали ўтказиш, ёшига муносиб ўйинлар ва кўнгилочар тадбирларда иштирок этиш, маданий ҳаётда эркин қатнашиш, санъат билан шуғулланиш, ахборот олиш ва виждоний ва дин эркинлиги каби ҳуқуқлар; в) *болалар зўравонлик ва эксплуатация қилинишидан ҳимояланганлигини таъминловчи ҳуқуқлар*: Бу ҳуқуқларни рўёбга чиқаришда қочоқ болалар масаласидаги муаммоларга, судловни амалга ошириш тизимидаги зўравонликлар, қийноқларга солиш, болаларни қуролли можароларга жалб этиш муаммоларига, болалар меҳнатига, балоғат ёшига етмаганларни жинсий эксплуатация қилиш ва ўсмирларнинг гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилиш муаммоларига алоҳида эътибор берилган бўлиши керак; г) *иштирок этиш ҳуқуқи*: болани жамият ва мамлакат ҳаётида фаол иштирок этишга чорлайди.

Бу категория, болаларнинг ҳаётга тааллуқли муаммолар бўйича тинч йиғилишларда ва тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқини ва ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ифодалаш каби ҳуқуқларини белгилайди. Болалар улғайиб бориш давомида жамият ҳаётида фаол иштирок этиш учун бор ва юзага келувчи имкониятларнинг ҳаммасига эга бўлиб боришлари ҳамда ҳаётий муҳим масала ва муаммолар ечимини топишни бутун масъулиятини хис қилган ҳолда зиммаларига олишга тайёр бўлишлари керак.

Бундан ташқари, Конвенцияда иштирокчи-давлатлар бола ҳуқуқлари ҳимоя этилиши ва кафолатланишини таъминлаш юзасидан тегишли шароит яратилиш учун мазкур давлатларнинг қатор мажбуриятларни зиммага олиши назарда тутилган. *Масалан, 29-моддасида қайд этилишича:*

1. Иштирокчи-давлатлар болага таълим бериш қўйидаги йўналишларда олиб борилиши лозимлигига розилик билдирадилар:

б) боланинг шахси, истеъдоди, ақлий ва жисмоний қобилиятлари энг тўла ҳажмда ривожланиши;

б) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига, БМТ Уставида эълон қилинган принцип ҳурматни тарбиялаш;

с) болада ота-онасига, унинг маданий ўзига хослиги, тили ва қадриятларига, бола яшаётган мамлакатнинг, у дунёга келган мамлакатнинг миллий қадриятларига, ўзиникидан фарқ қиладиган маданий тараққиёт даражасига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш;

д) болани эркин жамиятда, тинчлик, сабр-тоқатли бўлиш, эркаклар ва аёлларнинг тенглиги ҳамда барча халқлар, этник, миллий ва диний гуруҳлар, шунингдек туб ерли аҳолига мансуб шахслар ўртасидаги дўстлик руҳида тарбиялаш;

е) атроф-табиатга ҳурмат руҳида тарбиялаш.

2. Ушбу модданинг ёки 28-модданинг ҳеч қайси банди алоҳида шахслар ва органларнинг ўқув юртларини очиш ҳамда уларга ушбу модданинг 1-бандида баён этилган принципга риоя қилган ҳолда раҳбарликни амалга ошириш ҳамда бундай ўқув юртларида бериладиган таълим давлат томонидан ўрнатилган минимал меъёрларга жавоб бериши керак, деган талабнинг бажарилишидаги эркинлигини чеклаш сифатида талқин қилинмайди.

Болалар жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси деб эътироф этилиши билан бола ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа шахсларга тегишли деган юз йиллар давомида амал қилиб келган қоидага чек қўйилди. Мазкур Конвенцияда баён қилинган ҳуқуқларнинг амалга оширилишини кафолатлаш ва кўмаклашиш мақсадида иштирокчи-давлатлар ота-она ва қонуний васийларга бажаришларида бола тарбияси бўйича мажбуриятларини тегишли ёрдам кўрсатадилар. Болалар муассасалари тармоғининг ривожланишини таъминлаш ва бу борада зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси ҳам иштирокчи-давлатлар зиммасига юклатилади.

Ҳозирги кунга келиб, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция энг универсал ҳужжатлардан бири бўлиб қолди. Сомали ва АҚШдан ташқари 191 давлат унинг иштирокчисидир. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга 1992 йилда қўшилган бўлиб, бугунги кунга қадар ўзининг тўрт Миллий маърузасини тақдим этган.

2)Бола ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий халқаро ҳужжатлар:

- *Европа минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган ҳужжатлар.* Болаларга ҳомийлик қилиш, уларга ҳомийлик қилишни тиклаш борасидаги қарорлар тан олиш ва бажариш тўғрисидаги 1980 йилги Европа конвенцияси; Болалар ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича Европа конвенциясидан, (1996 йилда қабул қилинган ва 2000 йилда кучга кирган);

- *Африка минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган ҳужжатлар.* Бола ҳуқуқлари ва бахт-саодати тўғрисидаги Африка конвенцияси, (1991 йилда қабул қилинган ва 1999 йилда кучга кирган); Африка ёшлари хартиясидан, (2006да қабул қилинган, 2011 йили бўйича, ҳали кучга кирмаган);

- *Америка минтақаси давлатлари ҳамкорлигига қаратилган ҳужжатлар.* Балоғатга етмаган болалар халқаро савдоси бўйича Америка давлатлари конвенцияси (1994 йилда қабул қилинган, 1997 йилда кучга кирган); Қайтиб келган болалар тўғрисидаги Америка давлатлари конвенцияси (1989 йилда қабул қилинган ва 1994 йилда кучга кирган); Балоғат ёшини белгилаш бўйича қонунлар коллизияси бўйича Америка давлатлари конвенциясидан (1984 йилда қабул қилинган ва 1988 йилда кучга кирган); Америка қитъасига тегишли халқаро ҳужжатлар кўпроқ муайян ҳуқуқий муносабатлар соҳасини тартибга солишга қаратилганлиги билан асралиб туради.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид минтақавий ҳужжатлар хусусида

гап борганда, юқорида айтилганлардан ҳам кўришиб турибдики, ҳозирги мавжуд ҳужжатлар асосан Европа, Америка ва Африка қитъаларигагина тааллуқли, холос. Афсуски, болалар ҳуқуқларини таъминлаш мураккаб ва муаммоли бўлган Осиё минтақаси миқёсида бундай ҳужжат ҳалигача ишлаб чиқилмаган. Бу эса мазкур минтақада инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмнинг йўқлиги ва бу соҳада давлатлараро минтақавий ҳамкорлик суст эканлиги билан белгиланади.

Хулоса қилиб айтганда, бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг таснифи шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, улар бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам берса, иккинчидан, бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий база универсал миқёсда ҳам, минтақавий миқёсда ҳам ривожланиб бораётганлигини, аммо бу ривожланиш суръати барча минтақаларда ҳам бир хил эмаслигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга турли минтақалардаги давлатларнинг сиёсий, иқтисодий тузумидаги фарқлар, улардаги диний ва маданий хилма-хиллик каби омиллар давлатларнинг бу соҳадаги минтақавий интеграциясига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

ЮВЕНАЛ ЮСТИЦИЯДА БОЛА ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ

Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида мамлакатимизда миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва руҳий жihatдан баркамол янги авлодни вояга етказиш йўлида улкан ва кўламдор ишлар амалга оширилди. Ёш авлод болалар боғчасига қатнаётган даврдан бошлаб асрлар давомида шаклланган халқ педагогика, умумбашарий, кадриятлар асосида тарбияланмоқда. Таълим муассасаларида ёшлар ўқув фанлари асосларини, ҳуқуқий билимларни, замонавий касб-хунарларни эгаллашлари, чет тилларини мукаммал билиб олишлари, эркин мулоқат қилиш кўникмаларига эга бўлишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Мақсадимиз эзгу, яъни соғлом фикрловчи, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор маъсулиятни зиммасига олишга қодир, халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини бахшида этадиган, фидойи ва изланувчан авлодни¹ вояга етказиш эканлиги учун ҳам юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя этишда миллий механизмларга ҳам, халқаро механизмларга ҳам бирдек ҳурмат эҳтиром билан қаралади ва улардан бирдек самарали фойдаланишга ҳаракат қилинади.

1) Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмлар

Ижтимоий йўналтирилган бозор ислохотлари изчил амалга оширилиши, “Оила йили”, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Сихат-саломатлик йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили”, “Мустаҳкам оила йили” сингари кўламли давлат ижтимоий дастурлари ишлаб чиқилиши ва муваффиқиятлар тарзда амалга оширилиши туфайли Ўзбекистонда болаларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кенг институционал механизми шаклланган. Ушбу механизм силсиласи Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, ижро этувчи ҳокимиятга қарашли бошқа давлат тузилмалари, шунингдек, ҳокимликлар, судлар, прокуратура органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, қолаверса ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотларидан ташкил топган.

Бу кенг шохобчали механизмнинг биргина бўғини вояга етмаган ишлари бўйича махсус комиссиялар фаолияти билан танишиш орқали бу йўналишдаги ишлар кўламини яққол тасаввур этиш мумкин. Жиноят, жиноят тўғрисидаги, процессуал ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида, вояга етмаганларга оид одил судловни амалга оширишнинг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция нормаларига мувофиқ келувчи батафсил қоидалари ўз аксини топган. Болаларнинг назоратсиз қолдирилиши, қаровсизликни бартараф этиш мақсадида, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида 2000 йилдан буён мамлакат миқёсида ва ҳуудлар даражасида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолият юритиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сонли қарори ушбу комиссияларнинг обрўсини янада мустаҳкамлади ва ижтимоий оғир аҳволдаги оилалар билан профилактика ишларини олиб боришни янги поғонага кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар Кенгаши ҳокимликлари ҳузурида 250га яқин шундай махсус комиссия ташкил этилган. Улар халқ таълими, олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, прокуратура, ички ишлар, меҳнат органлари, хотин-қизлар кўмиталари, касаба уюшмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мудофаага кўмаклашувчи жамиятлар, меҳнат жамоалари, маданий-маърифий ва бошқа муассасаларнинг вакилларида ташкил этилади.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш, вояга етмаганларнинг қаровсиз қолиши, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жамоатга нолайиқ бўлган ҳаракатларнинг содир этилишига олиб келувчи сабабларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш; вояга етмаганларнинг қаровсиз қолиши ва ҳуқуқбузарликлари бўйича профилактика ишлари, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича давлат органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари фаолиятларини мувофиқлаштириш; вояга етмаганларнинг қаровсиз қолиши ва ҳуқуқбузарликлари олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш сингари асосий вазифаларини амалга оширишида комиссиялар қуйидаги ҳуқуқлар ва ваколатлар берилган:

- комиссия иши учун давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан зарур бўлган маълумотларни олиш;
- комиссия мажлисларида болалар ва ўсмирларнинг тарбияси ҳамда яшаш шароитларига тегишли масалалар юзасидан органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ахборотларини эшитиш;
- вояга етмаганлар, ота-оналарни шахсан қабул қилиш, уларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш, уларнинг шахсий ишлари билан танишиб чиқиш бошқа ҳуқуқ ва ваколатлар;

Комиссиялар ўз ваколатларидан келиб чиқиб, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши шарт бўлган қарорларни қабул қилади.

2) Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро механизмлар

Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита ўзининг биринчи сессиясини 1991 йилда ўтказган. Қўмита ўн нафар экспертдан иборат. Зиммасига бола ҳуқуқларини рағбатлантириш учун курашаётган, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қатнашчиси бўлган барча давлатлар ўртасида мунтазам мулоқот йўлга қўйилишини таъминлаш вазифаси топширилган. Қўмита жаҳон болаларининг тинчлиги ва фаровонлигига таҳдид солувчи омилларни аниқлаб, муайян муаммоларнинг амалий ечимини изламоқда, бундай муаммо уларни ҳал қилишга одамларни ва молия ресурсларини сафарбар этиш чораларини кўрмоқда шуниндек, жамоатчиликнинг бола ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва рағбатлантиришдаги иштирокини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Қўмита ана шу мақсадда мазкур соҳада жўшқин фаолият олиб бораётган бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Қўмита 1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатлар ўзларининг бу борадаги мажбуриятларини қай тарзда бажараётганликларини кузатиб боради. Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар Конвенция бажарилишига қаратилган тадбирлар ҳақида ва бола ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги аҳвол тўғрисида мунтазам равишда Қўмитага маърузалар тақдим этадилар. Маърузаларнинг миллий даражада ошкор этилиши ва кенг оммалаштирилиши таъминланади.

БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ).

1946 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи сессиясида ЮНИСЕФ таъсис этилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Европада ва Хитойда болаларнинг озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечакка бўлган кундалик зарур эҳтиёжларини тўлароқ қондиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган мазкур Фонд БМТ Бош Ассамблеясининг 1950 йилги қарори билан ўз фаолиятининг йўналишини ривожланаётган мамлакатлар болаларининг манфаатлари кўзланган дастурни амалга оширишга қаратди, орадан уч йил ўтиб БМТ Бош Ассамблеяси ЮНИСЕФнинг фаолиятини номуайян муддатга узайтирди.

ЮНИСЕФ жаҳон миқёсидаги тараққиётга инсонпарварлик, мурувват ёрдами кўрсатган ҳолда ҳамкорлик қила бориб, болаларни ҳимоя этиш, уларнинг қобилиятларини ўстириш мақсадида ривожланаётган мамлакатлар билан биргалидаги ишлар кўламини кенгайтиришга биргаликдаги ишларни кўламини ҳаракат қилмоқда. Бундай ишлар болаларни камол топтириш соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилмоқда. Ана шу ҳамкорлик моҳиятан жаҳондаги ҳар бир болага унинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда эълон қилинган асосий ҳуқуқлари ҳамда имтиёзлари имкон қадар рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган.

Марказий ва Шарқий Европада, шунингдек собиқ Совет Иттифоқи худудиди болаларнинг энг зарур талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида ЮНИСЕФ томонидан баъзи давлатларга яқиндан ёрдам кўрсатиб келинаётганлиги боиси ҳам шунда. ЮНИСЕФ бола ҳуқуқларини рағбатлантириш масалаларида Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, айти бир вақтда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг амалга оширилишини кузатиш, бу ҳужжатни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатларга зиммаларидаги вазифаларини бажаришларида ҳам ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. ЮНИСЕФ ўз фаолиятида болалар манфаатларини кўзлаб 1990 йилнинг сентябрида Нью-Йоркда кўпгина давлатлар ва ҳукуматларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа юқори мартабали шахслар иштирокида ўтказилган олий даражадаги умумжаҳон учрашувида қабул қилинган. Болаларнинг омон қолишини таъминлаш, уларни ҳимоя этиш ва камол топтириш тўғрисидаги умумжаҳон декларациясини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар режасига ҳам амал қилмоқда.

ЮНИСЕФнинг болалар ҳуқуқлари ҳамда уларнинг хавфсизлиги, саломатлиги ва таълими масалаларига қаратилган фаолиятида “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция дастуриламал вазифасини бажармоқди.

Бу жараёнда болаларнинг ўзлари ҳам фаол иштирок этиш жуда муҳим. БМТнинг Болалар масалалари бўйича 2002 йил май ойида бўлиб ўтган махсус сессиясида болаларнинг дунёқарашлари ифода этилди. Анжуманнинг 7000 иштирокчисидан 600 нафари болалар бўлиб, улар тадбирга ўзгача руҳ бахш этдилар. Натижада давлат раҳбарлари «Болаларга мақбул дунё» яратиш мажбуриятини олдилар.

“Болаларга мақбул дунё” болалар саломатлиги, таълими ва ҳимоясини, болалар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мақсад-вазифаларни ҳамда уларни амалга ошириш вақтини белгилаб берди.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги фаолияти болалар ва эҳтиёжманда оилалар ҳаётини яхшилашга қаратилган бўлиб, қуйидаги ҳуқуқларни амалга оширишга ёрдам беради:

- юқори сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, хусусан, оналар ва болалар ўлимини қисқартириш ҳамда ОИТВ касаллиги ОИТС тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш ҳуқуқи;

- юқори сифатли ва бепул бошланғич таълим олиш ҳамда юқори сифатли ва имкон қадар бепул ўрта таълим олиш ҳуқуқи;

- бўш вақтни мазмунли ўтказиш ва хордиқ чиқариш ҳуқуқи;

- ўз фикр-мулоҳазаларини эркин ифода этиш ҳуқуқи;

- жинси, дини ёки ирқидан қатъи назар, ҳамма учун тенг имкониятга эга бўлиш ҳуқуқи.

Болалар ҳуқуқларига тайзиқ ўтказиш эҳтимоли ҳамма ерда ҳам бўлиши мумкинлигидан келиб чиқиб, ЮНИСЕФ ўзининг турли давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик дастури доирасида ана шу масалаларга алоҳида эътибор беради. 2005 йил августда Ўзбекистон

Республикаси Ҳукумати ва ЮНИСЕФ ўртасида 2005-2009 йилларга мўлжалланган Мамлакат Ҳаракат Режаси дастури имзоланди. Ушбу Режада бола ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган ягона (умумлашма) ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасидаги Ҳукумат томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек болаларнинг оила ҳаёти муҳитига бўлган ҳуқуқларини кенг тарғиб қилиш, болаларга мўлжалланган муқобил муассасалар барпо этиш ва бошқа бир қатор масалаларга оид қоидалар ўз аксини топди.

ЮНИСЕФ ушбу мақсадларга эришиш йўлида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва бевосита болаларнинг ўзлари билан ҳам юқорида қайд этиб ўтилган муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш борасида ҳамкорлик қилиб келаётир. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги жабрдийда гувоҳлар ҳимояси, шунингдек ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни тарбияга топширишнинг муқобил шакллари бўйича белгилаб олинган кўплаб аниқ чора-тадбирлар ушбу ҳамкорликнинг муайян натижаларидандир.

Бола ҳуқуқлари, уларнинг кафолатлари тўғрисида хулоса қилиб айтиш мумкинки, аҳолисининг катта қисми ёшларни ташкил этувчи мамлакатимиз учун бола ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш масаласи мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буёқ келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам - буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир”.

Мамлакатда бола ҳуқуқлари соҳасида ахборот-маърифат ва таълим йўналишидаги фаолият сезиларли даражада кучайди. Маърифий фаолият хусусан бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни чоп этиш, ушбу мавзуга бағишлаб конференция, семинар ва тренинглар ўтказишни камраб олади.

2006 - 2011 йилларда жумладан:

“Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма”, “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция”, “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг факультатив протоколлари”, “Инсон ҳуқуқлари. Парламент аъзолари учун қўлланма”, “ХМТнинг асосий конвенциялари ва тавсиялари тўплами”, “Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига барҳам бериш”, парламент аъзолари учун қўлланма (ХМТнинг 182-сонли конвенциясини қўллаш бўйича амалий қўлланма)”, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” (Декларациянинг 60-йиллига бағишланган нашри), “БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни тўплам, “Бола

ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳлар, “Бола ҳуқуқлари: халқаро шатномалар тўплами” (электрон китоб), “Бола ҳуқуқлари” ўқув қўлланмаси; (Бакалавр ва магистрлар учун), “Бола ҳуқуқлари мониторинги” ўқув-услубий қўлланмаси чоп этилди.

Бола ҳуқуқлари мавзуси Ўзбекистонда нашр этилаётган кўпгина юридик, иқтисодий, педагогик журнал ва газеталарда ёритиб келинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу масала масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Омбудсман институти ва Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан чоп этиб келинаётган “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”, “Ижтимоий фикр ва инсон ҳуқуқлари” журналлари муаллифлари учун устувор йўналиш ҳисобланади. Журналларнинг сонларидан бири ҳар йили тўлалигича Ўзбекистонда бола ҳуқуқларига риоя қилиш масалаларига бағишланади.

Бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларнинг таснифи шунини кўрсатмоқдаки, биринчидан, улар бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тўғри тушунишга ёрдам берса, иккинчидан, бола ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий база универсал миқёсда ҳам, минтақавий миқёсда ҳам ривожланиб бораётганлигини, аммо бу ривожланиш суръати барча минтақаларда ҳам бир хил эмаслигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга турли минтақалардаги давлатларнинг сиёсий, иқтисодий тузумидаги фарқлар, улардаги диний ва маданий хилма-хиллик каби омиллар давлатларнинг бу соҳадаги минтақавий интеграциясига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

Мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида мамлакатимизда миллий уйғониш ғояси асосида маънавий ва руҳий жихатдан баркамол янги авлодни вояга етказиш йўлида улкан ва кўламдор ишлар амалга оширилди. Ёш авлод болалар боғчасига қатнаётган даврдан бошлаб асрлар давомида шаклланган халқ педагогика, умумбашарий, кадриятлар асосида тарбияланмоқда. Таълим муассасаларида ёшлар ўқув фанлари асосларини, ҳуқуқий билимларни, замонавий касб-ҳунарларни эгаллашлари, чет тилларини мукамал билиб олишлари, эркин мулоқат қилиш кўникмаларига эга бўлишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Мақсадимиз эзгу, яъни соғлом фикрловчи, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор маъсулиятни зиммасига олишга қодир, халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини баҳшида этадиган, фидойи ва изланувчан авлодни¹ вояга етказиш эканлиги учун ҳам юртимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя этишда миллий механизмларга ҳам, халқаро механизмларга ҳам бирдек ҳурмат эҳтиром билан қаралади ва улардан бирдек самарали фойдаланишга ҳаракат қилинади.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий механизмлар

Ижтимоий йўналтирилган бозор ислоҳотлари изчил амалга оширилиши, “Оила йили”, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”,

“Сихат-саломатлик йили”, “Ижтимоий ҳимоя йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили”, “Мустаҳкам оила йили” сингари кўламли давлат ижтимоий дастурлари ишлаб чиқилиши ва муваффиқиятлар тарзда амалга оширилиши туфайли Ўзбекистонда болаларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳар томонлама камол топишини таъминлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кенг институционал механизми шаклланган. Ушбу механизм силсиласи Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, ижро этувчи ҳокимиятга қарашли бошқа давлат тузилмалари, шунингдек, ҳокимликлар, судлар, прокуратура органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, қолаверса ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотларидан ташкил топган.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро механизмлар

Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитаўзининг биринчи сессиясини 1991 йилда ўтказган. Кўмита ўн нафар экспертдан иборат. Зиммасига бола ҳуқуқларини рағбатлантириш учун курашаётган, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қатнашчиси бўлган барча давлатлар ўртасида мунтазам мулоқот йўлга қўйилишини таъминлаш вазифаси топширилган. Кўмита жаҳон болаларининг тинчлиги ва фаровонлигига таҳдид солувчи омилларни аниқлаб, муайян муаммоларнинг амалий ечимини изламоқда, бундай муаммо уларни ҳал қилишга одамларни ва молия ресурсларини сафарбар этиш чораларини кўрмоқда шунингдек, жамоатчиликнинг бола ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва рағбатлантиришдаги иштирокини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Кўмита ана шу мақсадда мазкур соҳада жўшқин фаолият олиб бораётган бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Кўмита 1989 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатлар ўзларининг бу борадаги мажбуриятларини қай тарзда бажараётганликларини кузатиб боради. Конвенция қатнашчиси бўлган давлатлар Конвенция бажарилишига қаратилган тадбирлар ҳақида ва бола ҳуқуқларини амалга ошириш соҳасидаги аҳвол тўғрисида мунтазам равишда Кўмитага маърузалар тақдим этадилар. Маърузаларнинг миллий даражада ошкор этилиши ва кенг оммалаштирилиши таъминланади.

БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ)

1946 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи сессиясида ЮНИСЕФ таъсис этилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Европада ва Хитойда болаларнинг озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечакка бўлган кундалик зарур эҳтиёжларини тўлароқ қондиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб

қўйган мазкур Фонд БМТ Бош Ассамблеясининг 1950 йилги қарори билан ўз фаолиятининг йўналишини ривожланаётган мамлакатлар болаларининг манфаатлари кўзланган дастурни амалга оширишга қаратди, орадануч йил ўтиб БМТ Бош Ассамблеяси ЮНИСЕФнинг фаолиятини номуайян муддатга узайтирди.

ЮНИСЕФ жаҳон миқёсидаги тараққиётга инсонпарварлик, мурувват ёрдами кўрсатган ҳолда ҳамкорлик қила бориб, болаларни ҳимоя этиш, уларнинг қобилиятларини ўстириш мақсадида ривожланаётган мамлакатлар билан биргалидаги ишлар кўламини кенгайтиришга биргаликдаги ишларни кўламини ҳаракат қилмоқда. Бундай ишлар болаларни камол топтириш соҳасидаги миллий дастурлар доирасида амалга оширилмоқда. Ана шу ҳамкорлик моҳиятан жаҳондаги ҳар бир болага унинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда эълон қилинган асосий ҳуқуқлари ҳамда имтиёзлари имкон қадар рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган.

**Ювенал юстиция бўйича қисқача луғат
ГЛОССАРИЙ**

Бола	Ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар)
Боланинг қонуний вакиллари	Ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар
Васийлик ва ҳомийлик	Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади
Етим бола	Отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола;
Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар	Юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан: ногирон болалар; жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар; етим болалар; ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар; ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар; муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар; кам таъминланган оилалардаги болалар; жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар; зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар;
Ногирон бола	Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга, ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола;
Ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар	қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар);
Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола	Ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, бундан етим бола мустасно.

Васийлик	Ўн тўрт ёшга тўлмаган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли;
Ҳомийлик	Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган фуқароларни уларга таъминот, тарбия ва таълим бериш, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқӣ шакли. Соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли фуқароларга бу шахсларнинг илтимосига кўра ҳомийлик белгиланиши мумкин;
Эмансипация	Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.
Бола ҳуқуқлари	Болаларга нисбатан инсон ҳуқуқлари категорияси, ирқи, жинси, тили, дини, туғилган жойи, миллий ёки ижтимоӣ келиб чиқиши, мулки, синф мавқеидан қатъи назар, ҳар бир бола эга бўлиши лозим бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар
Бола ҳуқуқлари Конвенцияси	БМТнинг болаликни муҳофазалаш бобидаги энг универсал ҳужжати ҳисобланади
Бола ҳуқуқлари бўйича Кўмита	Бола ҳуқуқлари Конвенциясида назарда тутилган мониторинг тузилма
Омбудсмен	Болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминловчи миллий институт
Ювенал юстиция	Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан бирга ишлайдиган муассаса ва ташкилотлар тармоғи бўлиб, уларнинг фаолияти вояга етмаганларнинг муомаласини тартибга солувчи ҳуқуқӣ қоидалар ва процессуал нормалар асосида амалга оширилади
Ювенал суд	Ўз ваколатлари доирасида тарафлардан бири кичик бўлган жиноӣ, фуқаролик ва маъмурий ишларни кўриб чиқади

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи. Халқ сўзи, 2017 йил 22 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28-декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. /Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2017.-104 б.

II. Халқаро шартномалар тўпламлари, луғатлар, маълумотномалар

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига оид халқаро ҳужжатлар. Тўплам. – масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: Адолат, 2004. – 212б.
Халқаро ҳуқуққа оид атама ва тушунчаларнинг глоссарийси. Л.Саидова, О.Сулайманов, -Т.:ЮМОМ. 2016. 262 б.
2. Конвенция о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам Минск, 22 января 1993 г. Lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. Действующее международное право. Избранные документы, Мос.гос.ин-т меж.отношений (ун-т) МИД России, кафедра международного права, А.В.Кукушкина, А.С.Юхно. -М.: МГИМО Университет, 2014, -562.
4. Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро шартномалар тўплами. О.Сулайманов, Т.: ЮМОМ. 2017. 524 б.
5. Аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид халқаро шартномалар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Тошкент: Адолат, 2016. -500 б.

III. Миллий қонунчилик

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. -56 б.
2. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда, 2009 й., 52-сон, 554-модда.
3. “Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.
4. “Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 551-модда.
5. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1995. №12, – 262-модда.
6. “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2012 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунини Lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 3-сон, 23-модда.
8. 2010 йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонуни. Lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
9. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори. 2012 йил 25 май, № 06-сон. Lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
- 10.Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми "Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 2013 йил 11 декабрда 21-сонли қарори// Lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

11. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 августдаги ПҚ-1602-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга асосан 2015 йил 25 декабрь куни «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиётини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 384-мҳ-сон буйруғи //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 51-сон, 644-модда
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 март куни 62-сонли қарори “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 9-сон, 94-модда.
13. “Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари” Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 55-ум -сонли буйруғи билан 2016 йил 30 мартада тасдиқланган.
14. Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2017 йил 19 январь, ПҚ-2733-сон //«Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 20 январдаги 15 (6709)-сонидан эълон қилинган.
15. «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2017 йил 2 февраль, ПҚ-2752-сон// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда.
16. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 йил 7 февраль, ПФ-4947-сон//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
17. “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ПФ-5185-сон// 8 сентябрь 2017 йил.
18. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 йил 5 май, ПФ-5037-сон.
19. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 31 майдаги 150-ум-сон “Адлия органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

IV. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари, илмий мақолалар

1. Мўминов А., Тиллабоев М. Инсон ҳуқуқлари. Дарслик. /Масъул муҳаррир А.Х.Саидов - Т.: Адолат, 2013.
2. Лукашук И.Л. Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: Адолат, 2006. 424 б.
3. Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма № 7. Тошкент. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. Тошкент, 2006 й. -208 бет.
4. Вояга етмаган шахсларнинг жинсий жавобгарлиги: Ўзбекистон ва Германия қонунчилиги. Тошкент. “Адолат”, 2011, -184 бет.

V. Электрон манбалар

1. Ўзбекистон Республикаси давлат сайти: www.gov.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари: www.press-service.uz/rus/knigi/
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайти: www.parliament.gov.uz
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати сайти: www.senate.gov.uz
5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги сайти: www.minjust.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристар малакасини ошириш маркази сайти: www.uzmarkaz.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти сайти: www.imal.uz
8. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази сайти: www.nhrc.uz
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) сайти: www.ombudsman.gov.uz
10. БМТ сайти: www.un.org
11. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари сайти: www.ohchr.org
12. ЮНЕСКО сайти: www.unesco.org
13. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти сайти: www.osce.org
14. Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқ бўйича Раул Валленберг институтининг веб сайти: www.rwi.lu.se
15. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди сайти: www.coe.int/T/R/Human_Rights_Court
16. Европа Кенгашининг инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссари сайти: www.coe.int/T/R/CommissionerHR
17. Бола ҳуқуқлари бўйича ресурс сайти: www.childrenrights.net
18. Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси сайти: www.icrc.org
19. Халқаро шартномалар сайти: www.untreaty.un.org.
20. Халқаро ҳуқуқ комиссияси сайти: www.un.org/law/ilc

Ганибаева Шахноза Каримбердиевна
Юридик фанлар номзоди

**“ЮВЕНАЛ ЮСТИЦИЯ: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА
ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ”**

Ўқув амалий қўлланма

Мухаррир:
Техник муҳаррир:
Саҳифаловчи дизайнер:

Босишга рухсат этилди. 2022.
Нашриёт-ҳисоб табағи . Адади. Буюртма № .
..... босмаҳонасида чоп этилди.